

# ИНСОҶОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz  
www.insonvaqonun.uz  
www.insonvaqonun.adliya.uz

2018 йил 15 май  
сешанба № 19 (1119)



## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### АДВОКАТУРА ИНСТИТУТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ТУБДАН ОШИРИШ ВА АДВОКАТЛАРНИНГ МУСТАҚИЛЛИГИНИ КЕНГАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда мамлакатимизда суд-хуқуқ ислохотларининг муҳим таркибий қисми сифатида жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашнинг самарали институтларидан бири бўлган адвокатларнинг роли ва аҳамиятини кучайтириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди.

Суд ишини юриштиришнинг барча босқичларида томонлар тортишуви принципининг лозим даражада ишлашини ташкил этишга қаратилган чора-тадбирлар изчил амалга оширилди, адвокатларнинг профессионал фаолиятини бажариши учун зарур қонуний базаси яратилди.

Шу билан бирга, таҳлиллар кўрсатганидек, адвокататура ханузгача одамлар ишончини қозонган ҳуқуқни ҳимоя қилувчи институтга айлана олмади, адвокатларнинг ҳуқуқларини тўлиқ рўёбга чиқаришга тўқсизлик қилаётган ва улар томонидан сифатли юридик ёрдам кўрсатилишига халал бераётган қатор омиллар мавжуд. Хусусан: биринчидан, суриштирув ва тергов органларининг айрим ходимлари томонидан адвокатлар ўзларининг ишонч билдирувчилари (ҳимояси остидагилари) олдида қиришларига юзаси сабабларга кўра тўқсизлик қилинмоқда, бундай ҳолатларда адвокатларнинг шикоятларини кўриб чиқишнинг амалдаги механизмлари адвокатлик фаолиятига тўқсизлик қилиш ҳолатларининг самарали олдини олишни таъминламаяпти;

иккинчидан, адвокатларнинг жисмоний ва юридик шахслар ҳуқуқ ва манфаатларини самарали ҳимоя қилиш учун турли ташкилотларга йўллаётган сўровлари кўп ҳолларда, энг аввало, давлат органларининг мансабдор шахслари томонидан эътиборсиз қолдирилмоқда, адвокат сўровини кўриб чиқишнинг аниқ тартиби ва муддатлари, билатуриб ёлғон ёки нотўғри ахборотни тақдим этгани учун жавобгарлик белгиланмаган;

учинчидан, Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг (кейинги ўринларда Адвокатлар палатаси деб юритилади) адвокатура институти ҳимоячиси сифатидаги роли пасайиб кетган, унинг адвокатлар билан ўзаро ҳамкорлиги статистика йиғиш билан чекланиб қолмоқда ҳамда ортқича бюрократиядан иборат бўлмоқда; тўртинчидан, адвокатлик тузилмаларининг амалдаги ташкилий-ҳуқуқий шакллари юридик хизматлар кўрсатиш бозорида рақобатнинг ривожланишига хизмат қилмаяпти, юридик маслаҳат хизматларини кўрсатиш адвокатлик фаолиятидан ажратилмаганиги соҳанинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда;

бешинчидан, адвокатлик фаолиятини лицензиялаш тизими юридик амалиётнинг тегишли соҳаларга бўлинишини ҳисобга олмайди, бу эса адвокатлик касбининг ихтисослашувига салбий таъсир этмоқда; олтинчидан, адвокатлик лицензиясининг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тугатиш масалаларини кўриб чиқишда салмоқли маъмурий таъсир кўрсатишга йўл қўйилмоқда, натижада адвокатларнинг эркинлиги ва мустақиллиги путур етмоқда;

еттинчидан, билими етмаслиги, ўзининг касбий мажбуриятларига виждонсиз муносабатда бўлиши сабабли адвокатлар томонидан Адвокатларнинг касб этикаси қоидалари талаблари, адвокатлик сири ва адвокат қасамёдини бузиш ҳоллари кўпайиб учрамоқда, бу эса ишонч билдирувчиларнинг (ҳимоя остидагиларнинг) норозилигига сабаб бўлмоқда.

Адвокатура тизимини тубдан такомиллаштириш, профессионал юридик ёрдам сифатини ва адвокат касбининг нуфузини ошириш, шунингдек, суд ишини юриштиришда тенглик ва тортишув принципларини тўлиқ рўёбга чиқариш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки, 2018 йил 1 июлдан бошлаб:

адвокат низоларни судга ҳал қилиш, томонларни яраштириш бўйича чоралар кўриш, шунингдек, ҳакамлик судьяси сифатида фаолият юритиш ҳуқуқига эга бўлади, адвокат томонлардан бирининг вакили

бўлган ҳолатлар бундан мустасно;

адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни олиш учун адвокатлик тузилмасида мажбурий стажировка ўташ муддати олти ойдан уч ойга қисқартирилади, бунда давлат органлари ва ташкилотларнинг юридик хизмати ходимлари ва судья, терговчи ёки прокурор лавозимида камидан уч йил фаолият юритган шахслар мажбурий стажировкадан озод этилади;

лицензияни тугатиш учун асос бўладиган адвокат томонидан узрли сабабларсиз ўз касб мажбуриятларини бажармаслик муддати амалдаги уч ойдан олти ойга узайтирилади;

суднинг адвокатни жиноят содир этишда айбдор деб топиш тўғрисидаги айблов ҳукми кучга кирган тақдирда, судья бир сутка ичида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигини ва Адвокатлар палатасини белгиланган тартибда ёзма хабардор қилади;

фаолият юритаётган адвокатлар ва янгида адвокат макomini олган шахслар Адвокатлар палатаси томонидан Адлия вазирлиги билан биргаликда белгиланган ҳар бир танланган мутахассислик бўйича алоҳида лицензия асосида юридик ёрдам кўрсатади. Бунда фаолият юритаётган адвокатларнинг лицензияларини қайта расмийлаштириш уларни танлаган мутахассислиги бўйича қайта аттестациядан ва йиғимларни тўлашдан озод этган ҳолда амалга оширилади;

адвокат томонидан адвокатура тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, Адвокатнинг касб этикаси қоидалари талаблари, адвокатлик сири ва адвокат қасамёди мунтазам равишда ёки бир марта кўп равишда бузилганда, адвокатнинг шаъни ва қадр-қиммати доғ туширадиган ҳамда адвокатуранинг обрўсини туширадиган қилмиш содир этилганда, шунингдек, лицензиясининг амал қилиши тўхтатиб турилган шахс лицензиянинг амал қилиши тўхтатиб турилишига олиб келган ҳолатларни лицензиянинг амал қилиши тўхтатиб турилган муддатларда бартараф этмаганда, лицензиянинг амал қилишини тугатиш Олий малака комиссияси хулосасига асосан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг мурожаати бўйича фақат суд томонидан амалга оширилади;

адвокат макomini олиш бўйича малака имтиҳонини тақдоран топириш муддати бир йилдан олти ойгача қисқартирилади.

2. Белгилаб қўйилсинки: адвокатларнинг ўзларининг ҳимоя остидаги шахслар билан аудио ва видеокузатув қурилмалари бўлмаган махсус хоналарда ҳамда бегона шахсларнинг иштирокисиз ўз вақтида ва ҳеч қандай тўсиқларсиз учралиши таъминланади, бунда адвокат ва ҳимоя остидаги шахснинг сўхбатини учинчи шахслар эшитишини истисно этган ҳолда уларни визуал кўриб туриш имконияти сақланиб қолиниши шарт;

адвокат ўз профессионал фаолиятини амалга ошириши учун, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 19-моддасига қатъий риоя этган ҳолда, суд биносига компьютер, мобил ва бошқа алоқа воситаларини монеликсиз олиб кириш ҳуқуқига эга, ёпиқ суд мажлислари бундан мустасно. Бунда қайд этилган қурилмалардан суд биноси ичкарисидда фойдаланиш суд жараёнини ўтказиш тартибини бузмаслиги керак;

адвокатларнинг малакали юридик ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган, давлат ва бошқа органлардан ҳамда корхона, муассаса ва ташкилотлардан маълумотномалар, тавсифномалар ва бошқа ҳужжатлар ёки уларнинг нусхаларини олиш учун сўровлари сўров қабул қилинган пайтдан бошлаб кўпи билан ўн беш кун муддатда бажарилиши шарт, давлат сири ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сири ўз ичига олган маълумотлар бундан мустасно;

адвокатлик бюрларини таъсис этган адвокатлар ўз фаолиятини мулк ҳуқуқи асосида ёки бошқа қонуний асосда ўзларига тегишли бўлган турар жойларда амалга оширишлари мумкин, бунда ушбу турар жойларни адвокатлик бюроси фа-

олиятида фойдаланиш учун нотурар жой тоифасига ўтказиш талаб қилинмайди;

адвокат сўровига кўра маълумотларни ўз вақтида тақдим этмаслик, ёлғон ёки нотўғри маълумотларни тақдим этганликда айбдор мансабдор шахслар адвокатнинг судга тўғридан-тўғри мурожаатига асосан белгиланган тартибда маъмурий жавобгарликка тортиладилар.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Адвокатлар палатасининг 2018 йилнинг 1 августидан бошлаб қўйидаги тартибни жорий этган ҳолда ҳуқуқий маслаҳат хизматлари кўрсатувчи субъектлар доирасини кенгайтириш ҳақидаги таклифига розилик берилсин:

тижорат ташкилотлари юридик маслаҳат хизматларини лицензия олмасдан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда амалга ошириши мумкин. Бунда қайд этилган ташкилотлар фуқаролик, жиноий, иқтисодий ва маъмурий ишлар бўйича судларда вакиллик қилиш ҳуқуқига эга бўлмайдилар;

адвокатлик тузилмалари юридик маслаҳат хизматларини Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида" ги қонунига мувофиқ амалга оширади.

Адлия вазирлиги Адвокатлар палатаси билан биргаликда икки ой муддатда рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтмасдан умумий талабларни назарда тутган ҳолда Тижорат ташкилотлари томонидан юридик маслаҳат хизматларини кўрсатиш тўғрисидаги низо мурожаатини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Адвокатура институти янада такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбирлар дастури иловага мувофиқ тасдиклансин.

5. Адвокатлар палатасига: замонавий талаблар, мазкур Фармоннинг мақсади ва вазифаларига мувофиқ адвокатура фаолиятининг кафолатларини амалда таъминлаш, адвокатлик тузилмалари ва адвокатларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг давлат органлари билан ўзаро муносабатларидан қонуний манфаатларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратган ҳолда ўз ишини қайта йўналтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар кўриш;

Адвокатлар палатаси ҳузурида малакали юридик ёрдам кўрсатиш стандартлари ва бошқа адвокатлик фаолияти стандартларини ишлаб чиқиш, Адвокатлар касб этикаси қоидаларини қўллаш бўйича Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармалари, барча адвокатлик тузилмалари ва адвокатлар учун мажбурий бўлган тушуниришлар бериш, шунингдек, адвокатлик фаолиятининг юксак стандартларини таъминлаш бўйича бошқа функцияларни амалга оширадиган Этика комиссиясини тузиш;

адвокатура тизимида иш стажига кўра малака комиссияларининг хулосалари асосида Адвокатлар палатаси раис томонидан бериладиган адвокатларнинг малака даражаларини таъсис этиш;

Адвокатлар палатаси фаолиятининг очиклиги ва ошқоралиги, шу жумладан унинг молиявий-иқтисодий фаолияти шаффофлигини таъминлаш бўйича чоралар кўриш;

гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчига давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган адвокатлик тузилмани автоматик равишда белгиловчи, бир адвокатнинг қайта-қайта жалб этилишига, учинчи шахсларнинг бу жараёнга аралашувиغا йўл қўймайдиган янгиланган тартиб ва мезонларни белгилаш тавсия этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Адвокатлар палатаси билан келишган ҳолда уч ой муддатда:

адвокатлик макomini олиш учун мала-

ка имтиҳони жараёнларининг шаффофлигини таъминлаш, шу жумладан зарур ҳужжатларни онлайн тартибда топириш имкониятидан фойдаланиш, уларнинг рўйхатини мақбуллаштириш ва имтиҳон жараёнини Интернет тармоғида реал вақт режимида трансляция қилиш;

адвокатлик тузилмалари ва адвокатлар томонидан аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламга бепул ихтиёрий юридик ёрдам кўрсатиши (pro bono) ривожлантириш;

адвокатлар томонидан ўз ишонч билдирувчилари (ҳимоя остидагилари)га сифатли юридик ёрдам кўрсатиш учун хорижий давлатлар органларига сўров юбориш механизмларини жорий этиш бўйича чоралар кўриш.

7. Белгилаб қўйилсинки: адвокатлик фаолияти ва суд ишини юритиш билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари Адвокатлар палатаси билан келишиши шарт;

Адвокатлар палатаси раиси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш бўйича мажлисларида иштирок этиш ва уларга доир фикр билдириш ҳуқуқига эга;

адвокатларга нисбатан интизомий иш юритуви фақат тегишли малака комиссиялари ёки Олий малака комиссияси қарори билан қўзғатилиши мумкин.

8. Суриштирув ва дастлабки тергов органлари ходимлари адвокатлик фаолиятига ҳар қандай шаклларда, шу жумладан ишонч билдирувчи (ҳимоя остидаги) шахс билан учралиш ҳуқуқини чеклаш орқали тўқсизлик қилишга йўл қўйиб бўлмаслиги ҳақида оғохлантирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси айбдор мансабдор шахсларга, аввало, суриштирув ва дастлабки тергов органлари мансабдор шахсларига энг қатъий жавобгарлик қораларини кўрган ҳолда, адвокатлик фаолияти кафолатлари тўғрисидаги қонунларнинг сўзсиз ижро этилиши устидан прокурорлик назоратини кучайтирсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Ислохотларни ҳуқуқий таъминлаш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини мувофиқлаштириш хизмати Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда:

адвокатлар томонидан жисмоний ва юридик шахсларга юридик ёрдам кўрсатилишида уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилишига оид амалиётни ўрганиш ва умумлаштириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан биргаликда жиноий ва маъмурий иш юритиш, фуқаролик ва иқтисодий низоларни ҳал қилишда жисмоний ва юридик шахслар ҳимояга бўлган ҳуқуқларининг бузилишига йўл қўяётган мансабдор шахсларга нисбатан жавобгарлик чораларини кўриш бўйича комплекс чора-тадбирлар кўрсин;

адвокатларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши ҳолатини вақти-вақти билан кўриб чиқсин ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳимояга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш бўйича таҳлилий маълумотлар киритиб борсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлиги ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори О.Б.Муродов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М.Мавлонов зиммасига юклансин.

ШУ СОНГА ХАБАРИ

## Адлия вазирлиги ҳузурида ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ ИШ БОШЛАДИ

АДЛИЯ вазирлиги ҳузурида Жамоатчилик кенгаши иш бошлади. Ушбу кенгаш Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини тубдан такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида" ги Қарорига асосан тузилди.

Жамоатчилик кенгашининг таркибига вазирлик ходимлари, фахрийлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситаларининг вакиллари киритилди. Кенгаш Адлия вазирлиги ҳузуридаги маслаҳат органи сифатида жамоатчилик асосида ишлайди.

Мазкур кенгаш ёрдамида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан самарали ҳамкорлик ривожлантирилади, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари юзасидан жамоатчилик фикри тизими ўрганилади ва таҳлил қилиб борилади.

Шунингдек, мазкур кенгаш Адлия вазирлигида соғлом маънавий-руҳий ҳолатни, қонунийлик, юқори ҳуқуқий маданият ва ахлоқийликни таъминлаш борасида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишни ўз олдига мақсад қилиб олган.

Маълумки, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклигини таъминлаш мамлакатни бошқариш тизимини демократлаштиришнинг муҳим механизмларидан бири ҳисобланади. Шу мақсадда, янги тузилган Жамоатчилик кенгаши Адлия вазирлиги фаолиятининг очиклигини таъминлаш бўйича мониторинг олиб боради.

Қолаверса, ушбу кенгаш фуқаролар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг Адлия вазирлиги фаолияти билан боғлиқ ташаббус ва мурожаатларни кўриб чиқишда иштирок этади ва натижалар бўйича тегишли таклифлар тайёрлаб боради.

Эътибор қаратиш лозим бўлган муҳим жиҳатларидан яна бири, мазкур кенгаш вазирлик фаолиятига тааллуқли, шу жумладан, коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилган ишлар самардорлигини таҳлил қилади ҳамда йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади.

Адлия вазирлиги фаолиятига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, шунингдек, ички идоравий ҳужжатларни такомиллаштириш, улардаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва муҳокама қилиш ҳам Жамоатчилик кенгаши функцияларидан бири ҳисобланади.

Албатта, кенгаш томонидан вазирлик фаолиятини ислоҳ қилиш бўйича мамлакат ҳудудида ва хорижда амалга оширилаётган тизимли чора-тадбирлар ҳақида мунтазам равишда жамоатчиликни кенг хабардор қилиш таъминланади.

Бир сўз билан айтганда, Адлия вазирлиги ҳузуридаги ушбу кенгаш фуқаролар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан очик мулоқотни ривожлантиришга қаратилган.

Шерзод РАБИЕВ,  
Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи

## АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ АГЕНТЛИГИ:

одамлар узоғини яқин, оғирини енгил  
қилмоқда, вақтини тежамоқда



Наманган вилояти  
Давлат хизматлари агентлигидан лавҳалар

## МИННАТДОРМАН!

АСЛИ хитойликман. Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни анчадан буюн мақсад қилиб қўйгандим. Ривожланган мамлакатларнинг илғор технологияларини мамлакатга олиб кириб, савдо-салтанатни ривожлантириш, тадбиркорлик фаолиятини янада кучайтиришни истадим. Шу мақсадда Андижон вилояти Қўрғонтепа тумани Давлат хизматлари марказига мурожаат қилдим. Тез фурсат ичида туманда савдо-сотик учун корхона очишда керакли барча ҳужжатлар билан танишдим. Қўвонганим, марказ томонидан мен учун барча қулай ша-

роитлар оз вақт ичида яратилди. Ҳеч қандай муаммоларсиз корхона очилди. Ҳозирда савдо-сотик йўлга қўйилиб, корхона иш фаолиятини бошлаб юборди. Ўзбекистонда Давлат хизматлари марказлари тезкорлик билан ишлаётгани, фуқароларнинг оғир енгил бўлаётгани, бу марказлар қилданам халқ учун хизмат қилаётганидан қувондим. Давлат хизматлари агентлигига ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Али ҚОДИР,  
тадбиркор.  
(Андижон вилояти)

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

Тошкент шаҳри,  
2018 йил 12 май

Ш.МИРЗИЁЕВ

МАЛАКАЛИ амалий-ҳуқуқий хизмат ва ёрдам тадбирлари-га йўғрилган байрамона сайл Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланган режага мувофиқ Хоразм вилоятининг Қўшқўпир туманида ҳам бўлиб ўтди.

Мазкур туман ва вилоятнинг давлат ва жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат, ноижорат ташкилотлари, ота-оналар, ибратли оила вакиллари, ўқувчи-ёшлар, устозлар фаол иштирок этган тадбирда вилоят адлия бошқармаси, Давлат хизматлари маркази мутасаддилари, амалиётчи ҳуқуқшунослар фуқароларнинг турли саволларига жавоб беришди. Шу ернинг ўзида кўплаб ҳуқуқий ва давлат хизмати тадбирлари амалга оширилди. Ташкилотчилар ва манфаатдор идора ҳамда ташкилотлар томонидан тайёрланган ранг-баранг ҳуқуқий маслаҳат ва кўмакка оид кўлланмалар, буклетлар байрам иштирокчиларига тақдим қилинди.

Ортимиз равнақи ва фаровонлигига салмоқли улуш қўшаётган ва никоҳи қайд қилинганга 25, 50 ва 75 йил тўлган ибратли оилаларга эсдалик совғалар, ёш келин-кувларга эса никоҳ гувоҳномалари топширилди.

# АДЛИЯ САЙЛИ: ХОРАЗМДА

Сайлнинг иккинчи кунига мўлжалланган ҳуқуқий хизмат, тарғибот-ташвиқот ва бадиий тадбирлар тумандаги "Иттифоқ" қишлоғида давом этди. Байрам сайлининг мазкур қишлоққа кўчирилиши бежиз эмас. Гап шундаки, вилоятнинг ушбу энг чекка қишлоғи 2018 йил баҳорининг илк кунлариданоқ улкан миқёсли қурилиш, таълаш, ободонлаштириш ва кўламазорлаштириш майдонига айланди.

Қишлоқ фуқаролари ўзларига кўрсатилган ҳуқуқий хизматлардан баҳраманд бўлдилар. Одамларга байрам совғалари улашилди. Бу ерда уюштирилган меҳнат ярмаркаси, айниқса, намунали ўтди. Ишсизлик мақомидаги ёшлар, аёллар, ўқув ва касб-ҳунар муассасалари битирувчилари эл-юрт тараққиёти ва тўқинлиги йўлида меҳнат қилиш имконини кўлга киритишди.

**Каримбой ота ҚУВОҚОВ:** — Салкам 90 йиллик ҳаётим халқ хизматида ўтди. Узоқ йиллар мобайнида маданият ва санъат соҳасида хизмат қилдим. Истиқлолимиз бизга тўқин-фаровон турмушни ҳаёда этди. Рафиқам билан нафақат фарзанд, неваря, чеваралар, халқимиз ва давлатимизнинг ҳам ардоғида яшаймиз. Адлия вазирлиги томонидан никоҳимиз қайд қилинганлигининг 60 йиллик тўйи шу ерда, туманимизнинг бутун аҳли кўз ўнгидан нишонланди. Бундай гамхўрликдан биз каби ўнларча оила аъзолари ҳам баҳраманд бўлдилар. Алоҳида миннатдорчилигимни адлия ходимларига изхор этарканман, бундай гамхўрликлар ортида давлатимиз турганлигини чўқур идрок қилаяпман.

**Абдулла СОБИРОВ,** "Инсон ва қонун" мухбири



# САЙЁР ҚАБУЛДАН СЎНГ



## ҚИЗИМ БИР СТАВКАДА ИШ БОШЛАДИ

Адлия вазири ўринбосари А.Тошқулов шу йилнинг 27 февралда вилоятимизда сайёр қабул ўтказди. Тўғриси, минг истихоло билан уллардан ёрдам сўрадим. Оилавий шароитимиз оғирлашган эди. Қизим Н.Саъдуллаева Бухоро Маркази болалар поликлиникасида 0,5 ставкада ишларди. Уни бир ставкага ўтказишларида амалий ёрдам сўрадим. Муурожаатим тингланди. Қувонарлики, қизим март ойидан бошлаб 1 ставкада иш бошлади. Инсонларнинг дарду ташвишини тинглаб, улари ижобий ҳал қилишга ёрдам берган вазирлик мутасаддиларига минг раҳмат.

**Шарофат ҲАМИДОВА,** Бухоро тумани

## ОҒИР АҲВОЛИМДА КАТТА ЁРДАМ БЕРИШДИ

Бухоро вилоятига Адлия вазири ўринбосари келишини эшитиб сайёр қабулга бордим. Мени очиқ юз билан кутиб олишди. Муаммойим жуда оғирлигини, икки нафар фарзандимиз борлигини айтдим. Қизим бир ёшу саккиз ойлик. У онкологик жарроҳлик операциясини ўтказди. Ўғлим ҳам уч марта кўзида нуқсонли борлиги учун операция қилинди. Яқинда тўртинчи марта ҳам жарроҳлик амалиёти ўтказилиши керак. Бироқ уч марта нархоз олганлиги учун ҳозирда бунинг иложи йўқ экан. Орада турмуш ўрғотим ҳам автоҳалокатга учради. Оиламиз бошига тушган мусибатлардан эзилиб кетгандим. Ўзим ҳам ҳеч бир жойда ишламайман. Фарзандим жуда кичкина. Шу сабабли Адлия вазирлиги мутасаддиларидан илҳинг кутдим. Раҳмат, улларнинг ёрдами билан оиламизга моддий ёрдам ажратилди. Озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминландим. Халқимиз дардига дармон бўлаётган инсонларнинг умри узоқ бўлсин.

**Дилдора ЁРОВА,** Бухоро тумани

## УКАМ УЧУН ТЕЗ ЁРДАМ МАШИНАСИ АЖРАТИЛДИ

Укам буйрак хасталиги билан касалланган. Унга гемодиализ ўтказиш учун тез ёрдам машинаси керак эди. Ушбу масалада Жиззах вилоятида Адлия вазирлиги томонидан ўтказилган сайёр қабулда мурожаат қилдим. Муурожаатим ўрганилиб, ижобий ечим топди. Укамга Жиззах шаҳрида гемодиализ ўтказиш учун икки haftaда бир марта тез ёрдам машинаси ажратилди. Бунинг учун чексиз миннатдорчилик билдираман.

**Н.ОТАЖОНОВ,** Жиззах вилояти

## ВАЗИРЛИККА ИШОНЧИМ ЯНАДА ОРТДИ

Ишсизликдан қийналаётган эдим. Вилоятимизда Адлия вазирлиги томонидан сайёр қабул ўтказилишини эшитдим. Ўзимга муносиб иш топиб беришларида амалий ёрдам беришларини илтимос қилиб мурожаат қилдим. Мен Жиззах Политехника институтига 2018 йилнинг 4 апрель кундан бошлаб "Муҳандислик коммуникациялари" кафедрасига ишга қабул қилиндим. Ишли бўлдим. Муурожаатим ҳавода қолиб кетмади, бефарқ қарашмади. Вазирликка ишончим янада ортди.

**М.БОБОХОЛОВА,** Жиззах вилояти

"Инсон ва қонун" мухбири Дилфуза ЭРГАШЕВА ёзиб олди.

# ҚОНУН КУЧГА КИРДИ

**1 ҚОНУН МОҲИЯТИ.** Яқинда қабул қилинган "Суд тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда "Прокуратура тўғрисида"ги Қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.


Қонун билан ушланган шахсларни қамоққа олиш тарзидаги сирдан қўлланилган эҳтиёт чораси устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқлари кенгайтирилди. Шунингдек, ҳимоячига далилларни тўплаш ҳамда тақдим этиш ҳуқуқи берилди.

Мазкур Қонун суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя этишни таъминлаш, улларнинг шаъни ва кадр-қиммати камситилишига йўл қўймашлик, шунингдек, суд ва тергов органларининг масъулиятини кучайтиришга хизмат қилади.

**АСОСИЙ ҲИҶАТЛАРИ.** Қонун билан, аввало, далилларни сохталаштирганлик (қалбақлаштирганлик) учун жиноий жавобгарлик белгиланди, ёлгон гувоҳлик ва ёлгон хабар берганлик учун жавобгарлик кучайтирилди. Қонунга хилоф усуллар орқали ёки процесс иштирокчиларининг қонун билан кафолатланган ҳуқуқларидан маҳрум қилиш ёхуд улларни чеклаш йўли билан олинган далиллардан далил сифатида фойдаланиш тақиқланди. Судларда жиноят ишлари бўйича очик муҳокама принципини чеклайдиган қўшимча талабларни жорий этишга тақиқ киритилди, қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, гайринсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала турларини қўлланганлик учун жавобгарлик кучайтирилди.

**2** Жорий йилнинг 1 апрелидан кучга кирган янги таҳрирдаги Фуқаролик процессуал кодексига ҳам фуқаролик суд ишларини юритишга оид бир қатор янги меъёрлар ўз ифодасини топган.

Янгиликлардан бири — янги таҳрирдаги кодексда судга мурожаат қилиш шакллари ҳақидаги норма киритилди. Унга кўра, судга мурожаат қилиш: фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи низо-лар бўйича — даъво аризаси шаклида; буйруқ тартибда иш юритиш бўйича, алоҳида тартибда юритиладиган ишлар бўйича, шунингдек, кодексда назарда тутилган бошқа ҳолларда — ариза шаклида; апелляция, кассация ва назорат инстанцияси судларига мурожаат этилганда — шикоят (протест) шаклида амалга оширилади.



**3** Аризани кўрмасдан қолдириш ушбу низога 5 тадан 11 тага кўпайтирилди: — тарафлар ўртасида ушбу низога ҳал этиш учун ҳакамлик судига топшириш тўғрисида ҳакамлик битими тузилганлиги; — алоҳида тартибда юритиладиган ишни муҳокама қилиш вақтида судга тааллуқли ҳуқуқ тўғрисида низо келиб чиқиши; — хотини ҳомилдор бўлган вақтда ёки бола туғилгандан кейин бир йил давомида эр хотинининг розилигисиз никоҳни бекор қилиш тўғрисида даъво тақдим этилганлиги; — даъвогар томонидан аризани кўрмасдан қолдириш тўғрисида ариза берилганлиги; — даъвогар томонидан низога жавобгар билан судга ҳал қилиш тартибига риоя қилинмаганлиги; — мол-мулкни (ашёни) эгасиз деб топилган тўғрисидаги ариза қонунда белгиланган муддатдан олдин ёки эгасиз мол-мулкни (ашёни) аниқлаш ва ҳисобга олишнинг қонунда назарда тутилган тартиби бузилган ҳолда берилганлиги.

**Янги таҳрирдаги кодекснинг яна бир аҳамиятга молик жиҳати, унда процессуал мажбурулов чоралари ҳақидаги янги бобнинг жорий қилинишидир. Процессуал мажбурулов чоралари жумласига:**

1. Кодексда назарда тутилган ҳолларда мажбурий келтириш;
2. Огоҳлантриш;
3. Суд мажлиси залидан чиқариб юбориш;
4. Суд жаримаси киритилди.

"Инсон ва қонун" мухбири Фарид ҚОРАҚУЛОВА тайёрлади.

## АДЛИЯ АРАЛАШГАЧ...

# МОДДИЙ ЁРДАМ ТАЙИНЛАНДИ




ФИЖДУВОН туманида яшовчи фуқаро А.Юсупова Президент виртуал қабулхонасига мурожаат қилиб, 3 нафар воёга етмаган фарзанди борлигини инобатга олиб, моддий ёрдам берилишида амалий ёрдам сўраган.

Мазкур мурожаат Бухоро вилоят адлия бошқармаси томонидан кўриб чиқилиб, Вазирлар Маҳкамасининг "Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида"ги Низом талабларига асосан мурожаат муаллифининг оилавий даромади белгиланган мезондан кам бўлганлиги сабабли тегишли маҳалла фуқаролар йиғини томонидан комиссиянинг қарори билан моддий ёрдам тайинланиб, мурожаат қаноатлантирилди.

**Туйғун АЗИМОВ,** Бухоро вилоят адлия бошқармаси масъул ходими

## ТАҲРИРИЯТГА ЖАВОБ



# АЛИМЕНТ УНДИРИЛДИ

ФУҚАРО Ю.Низомовнинг воёга етмаган фарзанди таъминоти учун алимент пулларни ундирилмаётганлигидан норози бўлиб, "Инсон ва қонун" газетасига йўллаган мурожаати Самарқанд вилоят прокуратураси томонидан ўрганиб чиқилди.


Ўрганиш давомида олиб борилган мажбурий ижро ҳаракатлари натижасида, 2018 йилнинг 16 апрелида қарздор Ш.Норбековдан жами 969 711 сўм алимент пули ундирилди. Ю.Низомовнинг яшаш манзилга юборилди.

Қарздор Ш.Норбековнинг 2018 йил апрель ойи ҳолатига алимент қарздорлиги мавжуд эмаслиги маълум қилинди.

**С.УСМОНОВ,** Самарқанд вилоят прокурори ўринбосари, адлия маслаҳатчиси

## МИННАТДОРЛИК МАКТУБИ

# ГАЗЕТА САБОҚ БЕРДИ



"ИНСОН ва қонун" газетасининг жорий йил 24 апрелдаги 16-сонидан чоп этилган "Бу кимнинг онаси?" сарлавҳали мақола эътиборимизни тортиди. Юролмай-диган ота-онасини саватга солиб, елкасида кўтариб юрган бангладешлик мигрант йигит ҳақидаги фикрлар кишини ўйга толдиради. Мақолада бу йигит мисолида гўё барча инсонларга, айниқса, ёшларга мулоҳаза қилиш учун имкон берилган.


Ёшларни маънавий баркамол қилиб ўлғайтириш, улларда меҳр, қадр, эъзоз тушунчаларини шакллантириш муҳим. Шу мақсадда академик лицейимиз ўқитувчи ва ўқувчилари мазкур мақолани зўр қизиқиш билан ўқидик. Ва мавзу юзасидан мулоҳазалар юритилди. Мақола сабаб ўқувчиларимиз учун чин маънода маънавият сабоғини беришга муваффақ бўлди. Ота-оналарни, кексаларни авайлаш, улларни эъзозлаш ҳар бир инсоннинг бурчи, фарзи эканлиги ҳақида яна бир қарра фикрлашдик. Бангладешлик бу йигитнинг суратини кўпайтириб синфхоналарга тарқатиб чиқдик. Ўйлайманки, ўқув даргоҳимиздаги ҳар бир йигит-қиз бундан тўғри хулоса чиқаради.

"Инсон ва қонун" газетаси бугун фақат ҳуқуқий тушунча бериш билан чекланмай, инсонийлик хислатларини юксалтириш, таълим-тарбия, азалий қадриятлар ҳақидаги мавзуларни ҳам кўтариб чиқаяпти. Бу бизни жуда қувонтиради. Таҳририят ижодий ходимларининг кизгин иш фаолиятларида куч-ғайрат, омад тилаймиз.

**Ботир ДОНИЁРОВ,** Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети ҳузурдаги Ангрэн академик лицейи ўқитувчиси

## АКС-САДО

# НОТАРИУСЛИК АМАЛ ЭМАС



"ИНСОН ВА ҚОНУН" газетасининг 2018 йил 23 январь сонидан "Нотариус сансизликка йўл қўйди..." Оқибатда ишондан олинди!" сарлавҳали мақола эълон қилинди. Мақолада нотариус хушмуомала, хушфёъл бўлиши ҳақида фикр юритилган.

— Ҳар бир касбнинг ўзига-гина қийинчиликлари бўлади. Айнан биз фаолият юри-таётган нотариуслик касби қатъий тартиб-қоида талаб қилади. Энг муҳими, нотариал ҳаракатларга оид қонунчилик назариясини мукамал билишимиз лозим. Шунингдек, ўз вазифаларимизни қонун до-расида олиб боришимиз керак. Бу соҳа вакиллари фуқаролар билан муомала қилишда ёлгон гапириши, улларни алдаши, қўра-поллик қилиши асло мумкин эмас. Бошқача айтганда, но-тариус қонун устуворлигини тарғиб қиладиган фуқароларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатадиган шахсдир. Бу вазифа эса ўта му-раккаб ва масъулиятли, — дей-ди Каттақўрғон шаҳри 3-сонли нотариал идораси нотариуси Жамшид Холиқов. — Тан олиб айтиш керак, кўп фуқароларимиз қонунларнинг

мазмун-моҳиятини яхши тушу-нишмайди. Шу туфайли ҳам турли хил саволлар билан биз-га мурожаат қилишади. Ана шундай ҳолатда яхши муомала билан, ўз ҳақ-ҳуқуқларини ту-шунтириб маслаҳат беришимиз керак. Нотариал идорамиздан алоҳида хона ажратиб, ҳуқуқий маслаҳатхона ташкил этдик. Қабулга келган фуқароларнинг саволларига қонуний жавоб бе-риб, маслаҳат ва йўл-йўриқлар кўрсатаймиз. Ҳаттоки қария ва ногиронларни навбатсиз қабул қилаяпмиз. Бундан ташқари, ҳафтанинг жума ва яқшанба кунлари Каттақўрғон шаҳридаги 36 та маҳаллага чиқиб, уллар-нинг хонадонларида бўлиб, но-тариус ҳужжатларини жойида қонуний расмийлаштириб бе-раяпмиз. Масалан, А.Навоий маҳалласида истикомат қи-лувчи Аҳмаджон Одилов ноги-ронлик нафақасини олиш учун ўлгиға ишончнома расмийлаш-тириш масаласи билан мууро-жаат қилган эди. Нафақадаги ўқитувчини овера қилмай ўзи яшайдиган маҳалланинг ўзида расмийлаштириб, масаласини жойида ҳал этдик. Шунингдек, Сўфчи Оллоёр маҳалласида яшовчи Ойдинис Раसуллова ў-лгиға ўзининг номидаги енгил автомашинасини ҳаёда қилиш тўғрисида мурожаат қилди. Онахонинг ҳам муурожаатини жойига бориб ҳал қилдик.

**Азим ҚОДИРОВ,** "Инсон ва қонун" мухбири

ОГОҲЛИК

БУГУНГИ кунда халқор вазиятнинг шиддат билан ўзгариб бораётгани, ер юзининг турли нуқталарида янгидан-янги низо ўчоқларининг вужудга келаётганлиги жаҳон жамоатчилигини жиддий ташвишга солмоқда. Турли минтақаларда мамлакатларнинг ижтимоий-сиёсий барқарорлигини издан чиқариб, яхлит халқларнинг миллий-диний аҳиллигига путур етказишга уринаётган ҳар хил сиёсий найранглар, дин никоби остидаги ғаразли кучларнинг аянчли оқибатларини қўриб турибмиз.

Хусусан, Яқин Шарқ мамлакатларида содир бўлаётган хунрезликлар, гуруҳбозлик ва ихтилофлар, тўқнашув, қарама-қаршиликлар, айнан лоқайдликнинг аянчли оқибатидир. Ислон дини никоби остида қўрувчилик, қотиллик қилаётган кимсаларга қарата шундай дегимиз келади: Ислон дини — тинчликдор, урушқоқлик эмас. Бағрикенгликдор, тарафқашлик эмас. Омонлик, эзгулик ва покликдир, дахшат соловчи эмас.

Утган асрнинг 70-йилларида бирор шахс ёки сиёсий арбобга қарши ўшқирилган террор амалиёти кўпроқ учраган бўлса, ҳозирда жамоат жойларида, самолёт, автобус ва поездларда портлашларни содир этиш орқали кўплаб инсонлар-

нинг қурбон бўлишига олиб келадиган қўрувчиликлар содир этилмоқда. Дунё ҳамжамиятини айни пайтда таҳликага солаётган ва ўйлантираётган муаммо бу — тинчликни сақлаш, хавфсизликни таъминлаш, халқоро терроризм ва экстремизмга қарши баҳамжихат курашиш экани кун сайин ойдинлашиб бормоқда.

Диний экстремизм ва терроризм каби ҳодисаларнинг илдизлари узок тарихга бориб тақалса-ди, улар ҳеч қачон ижтимоий барқарорлик ва тараққиёт учун бугунгидек таҳдид солмаган. Шундай экан, бу иллатнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш инсониятнинг истиқболига дахлдор масалага айланди. Бундай юксак эзгу ниятларнинг барчаси тўлақонли рўёбга чиқиши учун,



# ЭЗГУЛИК ВА ҲУШЁРЛИК

## Буюк келажакимиз кафолатидир

биринчи навбатда, юрда осо-йишта ва хотиржам ҳаёт барқарор бўлиши зарур.

Яратганга шукри, давлатимизнинг диний экстремизм ва терроризм каби қабиҳ жиноятчиликка қарши курашиш ва уларнинг олдини олиш борасида ўз вақтида қўрган чора-тадбирлари натижа-сида халқимиз тинч ва осоийишта ҳаёт кечирмоқда.

Ота-боболаримиз аънаналари-га содиқ қолган ҳолда, қатыъятли ва вазминлик руҳида олиб бо-

рилган ишчил ва оқилона сиё-сат эвазига юртимизда тинчлик сақланмоқда, радикализм ва жангари экстремизмга қарши курашиш муҳити шаклланиб, хавф-сизлик, барқарорлик таъминлани-шига эришилган. Халқимизнинг мана шундай мустақил мамла-катда мусадфо осмон остида, тинч-тотувликда, ўз ҳаётларидан рози бўлган ҳолда эмин-эркин яшашлари учун барча шароитлар яратилаётгани ватандошларимиз қаторида дунё мамлакатлари то-

монидан ҳам эътироф этилмоқда. Сўнгги йилларда террорчилик ташкилотлари гоғларини тарғиб-ташвиқ қилишга қаратилган веб-сайтларнинг сони бир неча бора-борга ошганлиги ҳар биримизни хушёрликка ундайди. Хусусан, ўн йил аввал бундай сайтлар сони 20 та бўлса, бугунги кунда дунё-да террорчилар фойдаланаётган 7000 дан ортик интернет сайт-лари мавжуд бўлиб, уларга хиз-мат кўрсатувчи порталлар сони ҳам ортиб бормоқда. Бунинг на-

тижасида ер юзюда содир этил-ган қўрувчиликлар оқибатида ҳалок бўлганларнинг сони бир неча ўн мингга ташкил этмоқда. Сир эмас, кўплаб сайтлар ёлгон ваъдалар билан ёшларни тузоққа илтиришига зўр бермоқда.

Мустақиллигимизнинг илк кун-лариданоқ давлатимиз тинчлик-парвар сиёсат юритиб қўшни дав-латлар билан ўзаро тотувлик ва манфаатдорлик асосида иш олиб борди. Лекин афсуски, Ўзбекистон халқининг буюк давлат қуриш мақсадида илдам одимлаётганини кўра олмаётган айрим сиёсий куч-лар ҳар қандай восита ва усуллар билан бу тараққиёт йўлига тўғноқ бўлишга ҳаракат қилмоқда. Бун-дай уришиллар дастлаб ислон ди-ни никоби остида қаратилган экстремистик оқимлар орқали республикадаги тинч ва осуа ҳаётни издан чиқаришга, кейин-чалик миллатлараро тотувчилик раҳна солиш йўли билан қўшни давлатлардаги нотинчликлар гирдобига гирифтор қилишга ва натижада Марказий Осиёдаги вазиятнинг беқарорлаштиришга қаратилгани билан изоҳланади. Экстремистик гуруҳларнинг тур-ли кўринишдаги даъвати ва аҳоли онгини захарлашга қаратилган фаолияти бир сония ҳам тўхтаган эмас. Бу каби ёвузликларнинг ил-

диз отишига, диний-экстремистик оқимлар гоғларига баъзи ёш-ларнинг мойил бўлиб қолишига барҳам бериш ҳамда энг азиз неъм-мат бўлмиш тинчликни сақлаш мақсадида Юртбошимиз бошчи-лигида барча зарур чора-тадбир-лар қўрилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 15 июнда Тошкент шаҳрида "Ижтимоий барқарорликни таъ-минлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш — давр талаби" мавзюида ўтказилган анжуман-даги нутқида: "Кейинги йилларда халқимиз ўртасида кенг тарқалган "Ўз уйининг ўзинг асра!" деган даъватга бугун "Ўз болангинг ўзинг асра!" деб қўшимча киритиш вақти келди, деб ўйлайман. Адашган ёшларни тарбиялашимиз, керак бўлса, жазони ўташ жойларига ҳам бориб, улар билан гаплаши-шимиз лозим. Чин дилдан тавба қилиб, ота-онани, оиласи баргига, тўри йўлга қайтишни ният қилган одамларга амалий ёрдам бериш-га мен давлат раҳбари сифатида доимо тайёрман", деган сўзлари бугунги кун шорига айлангани айни мудоадир.

**Тўлқин ТЎХТАСИНОВ,**  
**ИИБ 2-сон Тошкент академик**  
**лицейи "Махсус фанлар"**  
**кафедраси ўқитувчиси**

ЎЙЛАБ КЎРИНГ!

ХАЛҚИМИЗДА эт билан тирноқни ажратиб бўлмайди, деган ҳикмат бор. Бу ҳикмат замири-да бир қориндан талашиб тушган ака-укалар ва опа-сингиллар назарда тутилиши барчамизга кундек равшан. Дорҳақиқат, эт билан тирноқнинг ажралиши ҳам жисмонан, ҳам маънан жуда оғриқли ҳолат.

# ОҚИБАТ ПУЛГА СОТИЛАДИМИ?

Инчунин, қувончу ташвишни ҳам сиз билан баравар баҳам кўрайдиган, бошга бахт кўнганда ҳам, иш тушган онларда ҳам ёнингизда ел-кадош, ҳамдард ва ҳамнафас бўладиган ин-сон туғишган биродарларингиздир. Миллий қадриятларимиз манбаи бўлган ҳадиси шарифда "Яхшиликни, энг аввало, яқинларингизга қилинг, сўнгра бошқаларга", деган ўғит бежиз ай-тилмаган. Зеро, ўз яқинларига, туғишганларига яхшилик қилиб инсон қалбидан эзгулик урурлари уңиб чиқаверад.

Тахририятимизга пойтахтимизнинг шундоқ-қина биқинида жойлашган Қўбрай туманида-ги Олмазор МФИдан келиб тушган хат бошқа мувожаатлардан кескин фарқ қилиши билан диққатимизни жалб қилди. Эътиборимизни тортган жиҳати бир эмас, ўн эмас бутун маҳалла аҳлининг яқдил бир овозга келиши бўлса, бошқа томондан ҳам ажабланири, ҳам ачинарили э-жабтовур ҳолатларидир. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси, маслаҳатчиси, котибаси ва 41 на-фар фуқаро имзоси битилган мувожаотномани асли ҳолга келтириб ўттишни хоиз деб билдик: "...Биз қўйдаги имзо чекувчилар Янги Шамс кўчасида истикомат қилган Пўлатов Шоакмал Мирсодиқовичнинг оила аъзоларини 1997 йил-дан бери яхши биламиз. Шу сабабли унинг тақдирига бефарқ қолмай сизларга мувожаат қилаёلمиз. Ахир қўздек қўшни ва маҳалладош бўла туриб, жим қараб тураолмадик. Шоак-мал яшаб турган уйини узок йиллар давомида мол боқиб ва давлат хизматида ишлаб, оила-си билан тупроқ қориб чиройли масканга ай-лантди, ҳовли жой қилди. Шу уйда 4 нафар фарзандни тарбиялаб ўстирди. Шунча вақтдан кейин Ш.Пўлатовнинг акаси Мираҳмат тайёр у-й-жойни бошқа бир одамга яширинча сотиб ю-бориб, ўз укасини оиласи билан кўчада қолдирди. Ваҳоланки укасига ерни сотган эди.

Биз Олмазор маҳалла аҳли сизлардан адолат қарор топишида ёрдам беришингизни сўраймиз".

Мувожаат юзасидан журналистик ўрганиши дастлаб маҳалла оқсоқоли Алпмат ака Рўзиев билан суҳбатдан бошладик.

— Хатда айтганимиздек, кўз олдимизда бир инсонни ўзи яхши ниятлар билан қуриб битказ-ган, 21 йилдан бери оиласи билан яшаб келаёт-ган уйдан мажбуран қўчириб чиқаришди. Унга биз маҳалла аҳли ҳеч қандай ёрдам беролма-ганимиздан ачинаман. Маҳалла оқсоқоллари низоли уй-жой масаласини ака-укалар ўзаро ҳамжихат ва тотувликда ҳал қилишлари учун кўп бора ҳаракат қилдик, лекин натижа бўлмади. Ҳатто 12 кишидан иборат маҳалла фаоллари Мираҳмат Пўлатовнинг уйига бор-дик, лекин у киши биз билан гаплашишни иста-мади. Маҳалламизнинг истаган аҳлигини қўқиб сўрашишга мумкин, уй-жойни ҳақиқатан Шоак-мал қурганлигини тасдиқлайди.

Алмат ака кўнганидек, маҳалла Шоакмал Пўлатовга ҳеч қандай ёрдам кўрсата олма-са-ди, кўчага ҳам ташлаб қўймаган экан. "Маҳалла отанг, маҳалла онанг", деганларини шу бўлса ке-рак, Ш.Пўлатовлар оиласига маҳалла чойхона-синдан вақтинча яшаб туришлари учун 2 хона ажратиб беришибди. Биз у кишини шу ердан топдик. Муъжазига гузар шинам, озода бўлса-ди, яшаш учун мўлжалланмаганлиги кўриниб турибди. Қаршимизга югуриб чиққан 2 нафар вояга етмаган болаларнинг кўзларида саро-симлигини кўриб, ўнғайсизландик. — Болалар-нинг тўғилиб ўсган уйларидан бу жойга кўчи-б келганларига ҳануз кўника олишмайди, — дея бизга изоҳ бергандек бўлди Шоакмал ака. Суҳбатимиз асосида аниқланишича, Пўлатов

Мираҳмадга 1991 йил ҳудудий ҳокимият то-монидан 600 кв.2 ер ажратилган. 1997 йилда эса мазкур ер майдони ва қурилиши тугалланма-ган икки хонали, яъни эшик, ромлари йўқ иморатни укаси Шоакмал Пўлатов ундан 400 минг сўмга оғзаки шартнома асосида сотиб олган. Шундан сўнг Шоакмал ака оила аъзолари билан бу ерга кўчиб келиб, яшаб бошлади. Бу йиллар даво-мида ушбу қурилиш битмаган хонани битказа-ди ва яна учта яшаш хонаси, ошхона, ҳаммом каби қўшимча иморатлар қуради, хуллас, ан-чагина тер тўкиб, қўрган кўзни қувонтиради-ган оבוד ҳовли жойга айлантиради.

Шу ўринда беихтиёр бир латифа эсга туша-ди. Афанди узок сафарга отланибди. Йил ҳал-тасини елкасига ортиб вокзалга келибди. По-ездга чипта сотиб олибди-да, чойхонага кириб бемалол мудраб ўтираверибди. Анча вақтдан кейин кимдир уни уйғотиб: "Поезднинг кетиб бораёпти", деса "Чипта менинг чўнтагимда-ку, поезд қаёққа ҳам кетарди", деган экан бамай-лихотир. Энди, кетиб бораётган поезд ортидан югурилаган Афандининг ҳолатини тасаввур қилинг-а.

Албатта, миллий қадриятларимизга хос бўлган ўзаро ишонч ва меҳр-оқибат каби ҳис-латлар инсонийликнинг олий ифодаси са-налади. Айрим фуқароларимиз ўз акам, ўз дўстим дея, оғзаки битим тузиб, қарз ва ол-ди-сотди шартномасининг қонуний талаб-ларига амал қилишмайди. Бундай пайтларда пазонининг лафз, имон ва виждон каби ту-шунчалар палласи баянд келса хўп-хўп, ле-кин акси бўлса-чи? Унда яқин қариндош ва дўстлар орасидаги меҳр-оқибат йўқолиши, айрим ҳолларда ҳатто фожиа билан яқун то-пиши ҳаётда кўп кузатилади.

Шоакмал Пўлатов 2014 йил 19 декабрда Қўбрай туман ҳокимининг 2561-сонли қарори билан Мираҳмат Пўлатовга қўрқарида уйга эгаллик ҳуқуқи берилганидан бохабар бўлса-ди, қўнун доирасида тегишли чора-тадбир қўрмади. Унинг сўзларига қараганда, акасининг "Авалл ўзимнинг номимга расмийлаштириб олай, кейин сенга ҳужжатлаштириб бераман", деган сўзларига ишониб келган.

2015 йил 22 октябр кўни Чирчиқ туман-лараро суди томонидан даъвогар Мираҳмат Пўлатов ва унинг ишончли вакили, адвокат У.Ҳақназаровнинг Пўлатов Шоакмални оила аъзолари билан Қўбрай тумани Қўпчоқ ҚФЙ, Янги Шамс кўчаси 5-рақамли уй-жойдан маж-буран қўчириш ҳақидаги даъво аризаси қўриб чиқилди. Судда даъвогар укасини вақтинчалик яшаш учун мазкур уйга киритиб қўйганлигини, у билан уй-жойни сотиб олиш масаласида ҳеч қандай келишув бўлмаганлигини билдирган.

Яна бир ҳуқуқни муҳофаза этиш идо-расининг қўйдаги ҳужжати эса унинг суддаги бу кўргазмасини мутлақо тескарисини тасдиқлаб турибди.

Қўбрай туман ИИБнинг 2016 йил 27 сен-тябрдаги қарориди шундай баён қилинади: "... фоноскопик экспертизанинг 31.08.2016 йилдаги 8850/18-сонли ҳулосасига асосан, Пўлатов Мираҳмат укаси Пўлатов Шоакмал билан оғзаки келишувга қўра, Қўбрай тумани Қўпчоқ ҚФЙ, Янги Шамс кўчаси 5-уй манзил-даги томорқани 400.000 сўмга сотиб олиш-га келишиб, томорқа учун 1.650 АҚШ дол-ларга келишув, томорқа учун 1.650 АҚШ дол-лар микдоридаги пулларни олганлиги, кейин-чалик у ушбу пулларни олганлиги ҳақида ёлғон вақ келтирганлиги маълум бўлди. Шу сабабли мазкур иш бўйича Пўлатов Мираҳмат Мирсодиқович хатти-ҳаракатларида Жиноят кодексининг 168-моддасининг 1-қисмида қўр-

сатилган жиноят аломатлари мавжуд бўлса-ди, бироқ мазкур олди-берди 1997 йилда содир бўлганлиги, жиний жавобгарликка тортиш му-ддати ўтиб кетганлиги ва ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган жиноятда тоифасига кириши сабаб-ли Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессу-ал кодексининг 84-моддаси 1-қисмининг 1-бан-дига асосан ҳаракатдан тугатилиб, жиноят иши қузғатиш рад этилсин".

Ачинарлиси, жавобгарликка тортиш муддати аллақачон ўтиб кетган жиний ҳолат Шоакмал акаси 21 йил давомида оиласи билан яшаб кел-ган уйдан мажбуран қўчиришга хизмат қилган асослардан бири бўлди. Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилоят суди апелляция инстан-циясининг 2016 йил 3 февралдаги ақримиға қўра, даъвогар Мираҳмат Пўлатовнинг даъво аризаси қаноатлантирилиб, Шоакмал Пўлатов, унинг оила аъзолари жумласидан икки нафар вояга етмаган фарзандлари билан Қўбрай ту-мани Қўпчоқ ҚФЙ, Янги Шамс кўчаси, 5-уйдан мажбурий тарзда қўчирилганидан кейингина, Шоакмал ака бепарволик қилиб, олди-берди битимини оғзаки тузганига "аттанг", деган бўлса не ажаб.

Табиийки, суд қарорига бизнинг ҳеч қандай эътирозимиз йўқ.

Лекин бизнинг эътиборимизни тортган яна бир ачинарили жиҳат шундаки, айрим мутасадди ходимлар е биллиб туриб, ёки билмасдан шунча-ли маъсулятсизлиги ва чаласовулдиги тўғай-ли судга нотўғри ҳужжат тақдим қилганлиғидир.

Жумладан, собиқ "Қўпчоқ" ҚФЙ раиси, ай-ни пайтда Қўбрай туман ҳокимияти хузуридаги "Маҳалла" жамғарма раисининг ўринбосари К.Тиллабеванинг судга берган 1410-сонли маълумотномасида мазкур низоли хонадонда 1997 йилдан бери Мираҳмат Пўлатов яшаб ке-лади дейилган. Шунингдек, у ҳеч бир иккилан-май мазкур маълумотнома ҳам раис, ҳам ко-мити учун ўз имзосини қўйган. Ваҳоланки, бу ма-ълумндаги маълумотнома маҳалла фуқаролар йиғини билан бамаслаҳат, жиддий ўрганилиб берилиши лозим бўлган ҳужжат саналади.

Бир қарашда аризмас майда-чўққаладек қўринган бу каби камчиликлар фуқаролар кўнглида маҳаллий ҳокимият вакилларига ишонсизлик кайфиятини уйғотишини унут-маслик лозим. Зеро, инсон тақдири билан узвий боғлиқ бўлган ҳар қандай муаммо ҳар биримиздан касбий билим ва масуляят, ҳуқуқий тафаккур ва маданият талаб этади.

Кейинги йилларда қўлғомизга фалончи ака-укалар уй-жой таллашиб бир-бири билан жанжаллашибди, фалончи отасини урибди, фалончи опасини уйдан чиқариб юборибди каби ёқимсиз гап-сўзлар тез-тез қўлғомизга чалина-диган бўлиб қолди. Бундай нохуш ҳолатларнинг олдини олишининг бирдан-бир йўли қарз, васи-ятнома ва олди-сотди каби битимларнинг давлат идоралари орқали ёзма равишда тузишидир.

Хулоса ўрнида, мазкур низоли ҳолатда ким ҳақ, ким ноҳақ эканлигини тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, қолаверса, ҳар кимнинг вijdонига ҳавола этар эканмиз, қўнун устувор бўлган жойда ҳеч қандай нохуш вазият-ларга ўрин қолмаслиги, ҳар қанда мол-мулк эт билан тирноқни ажратишга аризмаслигини яна бир бор эслатиб ўттишни хоиз топдик.

**Фарида ҚОРАҚУЛОВА,**  
**"Инсон ва қонун" муҳбири**

ҚИЛМИШ — ҚИДИРМИШ

# Шаҳар бедарвоза эмас...

ДУНЁ чайқалиб турган, турли давлатларда хунрезликлар авжга чиққан шундай таҳликали замон-да минг шукрим, юртимиз тинч, халқимиз осуа ҳаёт кечирмоқда. Юртбошимизнинг оқилона сиё-сати тўғайли бугунимиз ва эрта-миздан кўнглимиз тўқ.

Юрт тинчлиги, Ватан тарақ-қиёти йўлида хизмат қилиши шараф деб билган замондошлар-имиз амалга ошираётган улкан бунёдкорлик ишлари тахсинга сазовор. Аммо гоҳида ўзи биллиб-билмай Ватанига, ватандошлар-ига ахлоқсизлиқни тарғиб қила-диганлар ҳам борлиги кишини

ташвишга солади. Бухоролик ўттиз икки ёшли Носир Солиев (исми-шарифи ўзгартирилган) тиркичилик гамида узок вақт республикамиздан ташқарида ишлаб, уйга қайтар чоғида "қопқон"га тушди. Навоий темир йўл вокзалида ИИБ ходимлари томонидан қўл юклари ва ёни-да бўлган "SAMSUNG" марказли телефони кўздан кечирилганда, видеофайллар орасида бир до-нунёдкорлик ишлари тахсинга сазовор. Аммо гоҳида ўзи биллиб-билмай Ватанига, ватандошлар-ига ахлоқсизлиқни тарғиб қила-диганлар ҳам борлиги кишини

си, икки нафар фарзанди бор-лигини, муқаддам маъмурий жа-вобгарликка тортилмаганлигини, қилмишидан қаттиқ пушаймонли-гини, шунингдек, Навоий вилояти Маънавият ва маърифат кенга-шининг ҳулосасини инобатга ол-ган ҳолда инсонпарварлик тамо-йилларидан келиб чиқиб, энг кам оийлик иш ҳақининг бир баравари микдорида жарима жазоси тайин-ланди.

**Маруза ҚОСИЛОВА,**  
**"Инсон ва қонун" муҳбири**

ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳар, Учтепа туман Давлат фуқаролик субъектлари бўлимидаги 23.11.2017 йилда 555423 сон билан давлат рўйхатидан утган "UNITED MACHINES" ҳуқуқий корхонаси (СТПР 305 147 604) таъсисчи-сини 2018 йил 10 майдани 1-сон қарорига асосан тугатилади.

Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мўбаида Тошкент шаҳар, Учтепа туман, А-той кўчаси, 5 пр 15-уй манзилида қабул қилинади.

Тел.: (97) 720-99-11.

Миробод туман "Ягона дарча" маркази томонидан 15.06.2017 йил-да 526422-сонли реестр рақами билан рўйхатдан утган "KORYO CITY" ОК (ИНН 304 946 931) таъсисчи-сини 04.05.2018 йилдаги қарорига асосан тугатилади.

Давлолар эълон чикдан кун-дан бошлаб 2 ой мўбаида Миробод туман, Мироншо кўчаси, 22-уйда қабул қилинади.

Тел.: +99898 818 00-69.

Бухоро вилоят адлия бош-қармаси томонидан "Адвокатура тўғрисидаги Ўзбекистон Респуб-ликасининг Қўнига мувофиқ бошқарилган" 2018 йил 25 апрел-даги буйруғига асосан адвокат Ис-тоил Ботир Раҳматовичга Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан 2016 йил 24 октябрда берил-ган адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини бевуэчи лицензиянинг амал қилиши ва адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини бевуэчи лицензиянинг амал қилиши ва адво-кат мақоми тугатилади.

Навоий вилоят адлия бош-қармасининг 2018 йил 24 апрел-даги 81-ум-сонли буйруғига асо-сан Фозилова Юлдуз Олимовнага адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини бевуэчи лицензиянинг амал қилиши ва адво-кат мақоми тугатилади.

Навоий вилоят адлия бош-қармасининг 2018 йил 24 апрел-даги 82-ум-сонли буйруғига асо-сан Фозилова Шохрух Мурадullo ўғлига адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини бевуэчи лицензиянинг амал қилиши ва адво-кат мақоми тугатилади.

Тошкент шаҳар, Учтепа туман Ягона дарча марказида 01.05.2015 йил-да 011596-сонли реестр рақами билан давлат рўйхатидан утган яқка тартибдаги тадбиркор Абдураимов Мамуржон Абдуха-мидовичнинг (СТПР 542 744 004) гувоҳнома-си йўқотилгани сабабли бундан тўғайли.

Тел.: (98) 364-21-20.

Тошкент шаҳар, Учтепа туман тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясида 20.09.2013 йилда 060305-01 реестр рақами билан давлат рўйхатидан утган "FERUZA KOMMUNAL SER-VIS" масуляти чекланган жамия-ти (СТПР 302 711 782) таъсисчи-сининг 2018 йил 8 майдани 1-сон қарорига асосан тугатилади.

Тошкент шаҳар, Учтепа туман тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясида 11.08.2014 йилда 006701-01 реестр рақами билан давлат рўйхатидан утган "INDUSTRIAL LUBE" масуля-ти чекланган жамияти (СТПР 303 024 189) таъсисчи-сининг 2018 йил 10 майдани 2-сон қарорига асосан тугатилади.

Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мўбаида Тошкент шаҳар, Учтепа туман, Махорат кўчаси, 10-уй манзилида қабул қилинади.

Тел.: (99) 848-00-15.

Тошкент шаҳар, Учтепа туман тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясида 16.01.2015 йилда 006967-01 реестр рақами билан давлат рўйхатидан утган "BEST STREAM SERVICE" масуляти чекланган жамияти (СТПР 303 160 504) таъсисчи-сининг 2018 йил 8 майдани йилгили қарорига асосан тугатилади.

Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мўбаида Тошкент шаҳар, Учтепа туман, Болончор кўчаси, 16-уй манзилида қабул қилинади.

Тел.: (99) 848-00-15.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан адлия органлари ходимлари учун Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, Махтумқули кўчасида кўп қаватли уйлар қурилиш белги-ланган. Шу боис, мазкур уйларни қуриш бўйича қурилиш ташкилотларининг тақлифлари қабул қилиниши бошланди.

Қурилиш ташкилотлари ушбу кўп қаватли уй-ларнинг қурилиши билан боғлиқ лойиҳа-смета ҳужжатлари ва бошқа маълумотлар билан Ад-лия вазирлигига келиб танишишлари мумкин.

Тақлифлар жорий йилнинг 25 май кунига қадр қабул қилинади.

Маълумот учун манзил: Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 5-уй.

Телефон: 233-83-69. Ички: 253.

Мобил алоқа: (97) 410-00-17

Лицензиясининг амал қилиши ва адвокатлик мақоми 3 ой мўддатга тўхтатилади.

Тошкент шаҳар, Шайхон-тоҳир туман, Ягона дарча мар-казида 30.09.2016 йилда 009 178-09-сон реестр рақами билан давлат рўйхатидан утган "VINAGROIMPEX" масуляти че-кланган жамияти (СТПР 304 348 006) таъсисчи-сининг 2018 йил 10 майдани 41-сонли баённомасига асосан тугатилади.

Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мўбаида Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳир ту-мани Абай кўчаси, 6-уй манзилида қабул қилинади.

Тел.: (99) 846-17-17.

Навоий вилоят адлия бош-қармасининг 2018 йил 24 апрел-даги 509307-сонли реестр рақами билан давлат рўйхатига олинган "CRYSTAL GLASS GROUP" М-Ж (СТПР: 304 839 193) тугатилади.

Асос ўз-ўзини тугатиш турги-сидани 07.05.2018 йилдаги 1-сон баённомаси.

Кредиторлар ва дебиторлар давлолари 2 ой мўддатда (93) 183-61-18 телефон рақами орқали қабул қилинади.

Кредиторлар ва дебиторлар давлолари 2 ой мўддатда (93) 176-77-33 телефон рақами орқали қабул қилинади.

Кредиторлар ва дебиторлар давлолари 2 ой мўддатда (99) 823-11-88 телефон рақами орқали қабул қилинади.

Кредиторлар ва дебиторлар давлолари 2 ой мўддатда (99) 823-11-88 телефон рақами орқали қабул қилинади.

АНЖУМАН

ҲАЁТИМИЗДА "ҳалол" сўзини кўп ишлатамиз. Бу атама энди туризм соҳасида ҳам қўлланилмоқда. Аслида "Ҳалол туризм" ўзи нима?

ҲАЛОЛ ТУРИЗМ НИМА?

У оилавий ҳордиқ чиқариш, ҳамёнбоп тураржойларда тунаб, сифатли, озода овқатланиш шохобчаларида таомланиш ҳамда исрофгарчиликни хуш кўрмайдиганлар учун яратилган хизмат туридир.

2017 йилда "Ҳалол туризм" бўйича "Grescent Rating" ташкилоти томонидан тузилган рейтингда Ўзбекистон 28-урини эгаллаган. Биринчи ўнтакда эса Малайзия, Индонезия, Марокаш ва Туркия мамлакатлари турибди.

Бизга тили, дини ва маданияти жиҳатдан яқин бўлган қардош Туркияга ўзбекистонликлар кўпроқ саёҳатга боришади. Туркияда туризм анча ривожланган, айниқса, "Ҳалол туризм". Шундай экан, туризм соҳасида улардаги қўллаб

тажрибаларни ўзимизда қўллашимиз мумкин.

Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантириш, айниқса, зиёрат туризми салоҳиятини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг Қарори билан етти мамлакат фуқаролари учун виза тизимининг бекор қилиниши Ўзбекистонга бўлган қизиқишининг янада ортишига замин яратди.

"Radisson Blu Hotel Tashkent" меҳмонхонасида бўлиб ўтган тадбир шу мавзуга бағишланди. Туркия, хусусан, "ҳалол туризм" йўналишида фаолият юритаётган "Wome Deluxe" оилавий меҳмонхонаси ва "Nisantasi" шифонасининг фаолияти ўрнатилган сифатида кўрсатилди, ўзбекистонлик туроператорлар ва туризм соҳаси мутахассисларига бу борада керакли маслаҳатлар ва тавсиялар берилди.

ЖАҲОНГА МАШҲУР АДИБ — ҲУҚУҚШУНОСЛАР

ИЖОДКОР

ВО

ПРОКУРОР


ПЬЕР Корнель Франциянинг Руан шаҳрида 1606 йил 6 июнда дунёга келган. У руанлик амалдорнинг фарзанди бўлиб, отаси эса ўз замонасининг кучли адвокатларидан бири бўлган. Пьер — оиладаги олти нафар фарзанднинг энг каттаси бўлиб, Руан шаҳридаги Иезуитлар мактабида (ҳозирги кунда ушбу мактаб Корнель номи билан аталади) тахсил олади.

Анъанага мувофиқ оиласидаги ҳамма катталар сингари у ҳам ҳуқуқшуносликни ўрганишга ва шу соҳада ишлашга қизиқиши ортиб боради. Шу боисдан юрист-адвокат бўлиш ораси амалга ошириб, 1624 йилда ҳуқуқшунослик дипломини қўлга киритади. 1628 йилда эса у прокурор вазифасида ўз ишини бошлайди.

Бироқ Корнелнинг озаки нутқида нуқсонли бўлган. Юксак маҳоратли адвокат бўлиш учун унга нотиклик маҳорати жуда муҳим эди. Ниҳоятда уятчанлиги сабабли гапиришдан кўра кўпроқ бадиий ижодни афзалроқ кўрган. Шу тариқа унинг ҳуқуқшуносликка бўлган қизиқиши тобора сўниб бораверган. У 1629 йилда ҳуқуқ соҳасини ташлаб театрни танлаш-



Ниҳоятда уятчанлиги сабабли гапиришдан кўра кўпроқ бадиий ижодни афзалроқ кўрган. Шу тариқа унинг ҳуқуқшуносликка бўлган қизиқиши тобора сўниб бораверган. У 1629 йилда ҳуқуқ соҳасини ташлаб театрни танлаш-



га қарор қилади.

1635 йилда Корнель ўзининг биринчи трагедияси "Медея"ни ёзган. Уша йил унинг дўстларидан бири Корнельга Гильем де Кастро китобини ўқишни тавсия қилган. Муаллифнинг 1618 йил ёзган "Сиднинг ёшлиги" комедиясининг қаҳрамонлари Корнелни янги "Сид" асарини ёзишга илҳомлантирган. Корнелнинг ижоди бирор бир та-

бақанинг гурур-ифтихорини юксакликка кўтариши адвокатнинг нозик инжиқликларини ифодалаши ҳаётни суд жараёнига ўхшатиши билан ўзига хоҳсидир. Унинг "Сид" трагедиясида ормон масаласи кўтарилса, "Горадия"да ватанпарварлик, "Цинна ва Август муруввати"да сийосат, "Поллиевкт"да дин муаммолари намоиш этилган. (Давоми кейинги сонларда.)


ДУНЁДАГИ ЭНГ УЗОҚ ВА КУЛГИЛИ

ҚАМОҚ ЖАЗОЛАРИ ҲАҚИДА ЭШИТГАНМИСИЗ?

2000 йил АҚШда истиқомат қилувчи Шалом Вайс исмли киши пенсионерларнинг пуллари электрон пулга айлантириб ўғирлагани учун федерал полиция томонидан қўлга олинди. Уни Америка суди 2000 йил қамоқ жазосига ҳукм қилган. Охириги суд жараёнидан кейин эса унга берилган муддат камайтирилиб, 845 йилга қисқартирилади.




Жиноятчилик тарихидаги энг узоқ жазолардан бири Оклахома суди судьялари томонидан тайинланган. Мазкур жазо Дарен Андерсон исмли фуқарога нисбатан қўлланилган. У бир неча ўғирлик ва зўрлаш жиноятларида айбланиб, 20 минг йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган. 1997 йилда Андерсоннинг шикоятига кўра, жазо муддати камайтирилди. Эндиликда у 12 844 йилда озодликка чиқарилиши мумкин.



Калифорния штатидаги фермер Хуан Каронага Калифорния суди 25 мартаба умрбод қамоқ жазосини берган. Бунга сабаб Карона ўз қўлида меҳнат қилаётган 25 нафар мигрантнинг ўлдириб, уларни ўз фермасида кўмиб юборган. Судда Хуан Каронага сўнгги сўз берилганида, у суддан кечирим сўраш ўрнига "ишчилар мендан ҳаддан ташқари кўп пул сўрашди", дея жавоб берган экан.



Флорида штатида истиқомат қилган Бобби Жо Лонг қилган жиноятлари учун 28 мартаба умрбод қамоқ жазосига ҳукм этилган. Сабаби, у 50 нафардан ортик аёлнинг уйига бостириб кириб, уларни тунаган ва 25 нафарини ўлдириб юборган.



Энг узоқ озодликдан маҳрум қилиш жазоси 1981 йилда АҚШда қайд этилган. У ҳам бўлса 1000 йил ва 2 мартаба умрбод қамоқ жазосидир. Ушбу жазо Дабил Вейккизерга нисбатан қўлланилган бўлиб, у хотинини, коллеж талабаси ва ўз холасини ваҳшийларча ўлдирган.



Испания суди энг узоқ қамоқ жазосини 1972 йилда 4000 та хатни ўз эгасига топширмаган испаниялик почтачига нисбатан қўллаган. Уни 384 912 йил қамоқ жазосига маҳкум этган.

"Инсон ва қонун" муҳбири Мадина ҲАМДАМОВА тайёрлади

ИНСОН ВА ҚОНУН
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
www.minjust.uz

Бош муҳаррир: Қўчқор НОРҚОБИЛ
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Жўраев Нодир Савриддинович
Искандаров Ёрбек Нурбекович
Эргашева Дилфуза Рустамовна
Рабиёв Шерзад Миржалилович
Мамадалиев Зайниддин Очипович

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР
"АСАКА" банк
Хурматли юртдошлар!
2018 йил "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили" деб эълон қилиниши муносабати билан қуйидаги миллий валютадаги янги муддатли омонат турини таклиф этади:
"ФАОЛ ТАДБИРКОР"
Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 6 ой бўлиб, омонатга ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади.
Шу билан биргалликда, "Асака" банк миллий ва хорижий валюталарда қулай шартларда 30 турдан зиёд омонатларни таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.
МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: "Асака" банк Бош офиси (0371) 120-82-37, 120-82-65.
Филиаллар Код Телефон Филиаллар Код Телефон
Тошкент шаҳар филиали 371 120-83-13 Наманган вилоят филиали 369 227-15-68
Автотранспорт филиали 371 120-39-95 Навоий вилоят филиали 436 770-21-29
Шайхонтоҳур филиали 371 140-39-36 Зарафшон филиали 436 572-40-14
Юнусобод филиали 371 221-80-67 Бухоро вилоят филиали 365 770-05-19
Сирғали филиали 371 257-44-10 Бухоро шаҳар филиали 365 770-11-27
Тошкент вилоят филиали 371 120-84-13 Самарқанд вилоят филиали 366 233-65-47
Андижон вилоят филиали 374 223-60-74 Афросиёб филиали 366 221-71-76
Асака филиали 374 233-21-99 Қашқадарь вилоят филиали 375 221-07-41
Фарҳод филиали 374 226-96-63 Сурхондарь вилоят филиали 376 770-82-12
Фарғона вилоят филиали 373 244-39-14 Қорақалпоғистон филиали 361 770-60-59
Марғилон филиали 373 237-62-23 Хоразм вилоят филиали 362 228-14-81
Олтиариқ филиали 373 432-19-80 Сирдарь вилоят филиали 367 225-44-03
Қўқон филиали 373 542-61-01 Жиззах вилоят филиали 372 226-43-11
Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.
Сизнинг омонатларингиз:
• солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;
• маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
• эгалик ва тасаруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
• миқдори чекланмаган.
"Асака" банк сармоянгишни сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!
www.asakabank.uz

Table with columns: №, Лицензия варақаси №, Берилган сана, Муддати, Ташиш тури, Автомобил маркази, Давлат рақами. Includes data for OIL TRANSPORTATION PROGRESS MCHJ.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қуйидаги нотариус лавозимларига ТАНЛОВ УТҚАЗИШНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
Бухоро вилояти: Бухоро шаҳар 3-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қуйидаги нотариус лавозимларига ТАНЛОВ УТҚАЗИШНИ ҚАЙТА ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
Қорақалпоғистон Республикаси: Таштақўпир туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Қашқадарь вилояти: Қарши туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Наманган вилояти: Учқўрғон туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Хоразм вилояти: Хазорасп туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Тошкент вилояти: Қўшқўпир туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Тошкент шаҳри: Сергели туман 7-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Фарғона вилояти: Фарғона шаҳар 3-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Тошкент шаҳри: Миробод туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Мирзо Улўғбек туман 3-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Олмазор туман 7-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Юнусобод туман 5-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Яккасарой туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Хужжатларни тақдим этишнинг охириги санаси 2018 йил 14 июнь
Нотариус лавозимига тайинлаш бўйича танловда иштирок этиш истиғини билдирган шахс ўз хоҳишига кўра Бевосита Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ёки тегишли адлия бошқармасига мурожаат қилиши мумкин. Бунда талабгор қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:
— комиссия номига ариза;
— паспорт нусхаси;
— белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;
— меҳнат дафтарчаси (нусхаси олиниб, асли қайтарилмади) ёки унинг иш жойида тасдиқланган нусхаси;
— олий юридик маълумот тўғрисидаги диплом (нусхаси олиниб, асли қайтарилмади).
Агар талабгор адлия органлари тизимида ишлаётган бўлса фақатгина комиссия номига ариза ва паспорт нусхаси топширилади.
Хужжатларни Адлия вазирлигига топшириш учун (0-371) 236-78-52 ва 236-26-06 телефон рақамларига мурожаат қилиниши мумкин.

НАШР ИНДЕКСИ: 137
"ИНСОН ВА ҚОНУН" газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усулида "Ўзбекистон" наشريёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.
Саҳифаловчи-дизайнер: Жамшид Ғофуров
Тиражи — 13936
Буқуртма — V-1614
Тошчириш вақти — 19:00
Тошчирилди — 21:40
МАНЗИЛИМИЗ: 100 000, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-35.
Факс: (0371) 233-44-23, (0371) 233-44-08
Обуна бўлими: 233-44-09
Баҳоси келишилган нарҳда
1 2 3 4 5